

International Finance and Accounting

Volume 2020 | Issue 2

Article 10

4-1-2020

REGULATION OF THE INSURANCE MARKET AND IMPLEMENTATION OF EFFECTIVE MECHANISMS OF PRUDENTIAL CONTROL

I. Abdurakhmonov

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abdurakhmonov, I. (2020) "REGULATION OF THE INSURANCE MARKET AND IMPLEMENTATION OF EFFECTIVE MECHANISMS OF PRUDENTIAL CONTROL," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Абдурахмонов И.Х. – ТМИ кафедра мудири, и.ф.н.

СУҒУРТА БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини таъминлаш ва суғурталанувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта бозори субъектларининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва тақсимлаш жараёнига таъсирини англади.

Молиявий тартибга солиш капитал бозорларида ва умуман молия тизимида чуқур таъсир кўрсатади ва уларнинг ривожланиш тезлиги ва параметрларига таъсир қилади. Аммо, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ўзгаришлар асосан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади ва турли манфаатдор томонларнинг манфаатларини акс эттиради. Суғурта бозорининг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, шунингдек суғурта хизматлари ва суғурта компаниялари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари унинг доимо давлатнинг диққат эътиборида бўлишни талаб қилиб қўяди.

Таянч сўз ва иборалар: суғурта бозори, суғурта компаниялари, суғурта назорати, суғуртани давлат томонидан тартибга солиш, пруденциал назорат, суғурта бозори субъектлари.

РЕГУЛИРОВАНИЕ СТРАХОВОГО РЫНКА И ВНЕДРЕНИЕ ЭФФЕКТИВНЫХ МЕХАНИЗМОВ ПРУДЕНЦИАЛЬНОГО КОНТРОЛЯ

Государственное финансовое регулирование страхового рынка представляет собой воздействие государства на процесс формирования и распределения финансовых ресурсов субъектов страхового рынка в целях обеспечения платежеспособности страховых организаций и защиты интересов страхователей.

Финансовое регулирование имеет глубокое влияние на рынки капиталов и финансовую систему в целом, осуществляемое за счет воздействия на скорость и параметры их эволюции. Но, как показала практика, внесение изменений осуществляется в значительной степени под влиянием политических, экономических и социальных факторов и отражает интересы различных заинтересованных сторон. Значительная социально-экономическая значимость страхового рынка, а также особенности страховых услуг и деятельности страховых компаний требуют постоянного внимания государства.

Ключевые слова: страховой рынок, страховые компании, страховой контроль, государственное регулирование страхования, пруденциальный контроль, субъекты страхового рынка.

REGULATION OF THE INSURANCE MARKET AND IMPLEMENTATION OF EFFECTIVE MECHANISMS OF PRUDENTIAL CONTROL

State financial regulation of the insurance market represents the state's influence on the process of formation and distribution of financial resources of insurance market entities in order to ensure the solvency of insurance organizations and protect the interests of insurers.

Financial regulation has a profound effect on capital markets and the financial system as a whole, carried out by influencing the speed and parameters of their evolution. But, as practice has shown, making changes is largely influenced by political, economic and social factors and reflects the interests of various stakeholders. Significant socio-economic significance of the insurance market, as well as features of insurance services and the activities of insurance companies require constant state attention.

Keywords: insurance market, insurance companies, insurance control, state regulation of insurance, prudential control, insurance market entities.

Кириш

Замонавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тизимини ривожлантиришнинг умумий концепциясига, молия тизимини тартибга солиш шакллари ва тамойилларига жиддий таъсир ўтказишни талаб қилади. Амалда, бу давлат томонидан тартибга солинадиган шаклларнинг ривожланишида ўз ифодасини топади. Суғурта ҳимояси механизмининг пруденциал тартибга солиш тизимини шакллантириш бир вақтнинг ўзида республика молия тизимини ривожлантириш бўйича ягона стратегияни шакллантириш билан бир қаторда тегишли тадбирларни амалга оширишни ҳам ўз ичига олади. Бундай тартибдаги ёндашувда тартибга солишнинг барча даражалари ўртасидаги муносабат шаклланади, марко даражада белгиланган тартибга солиш мақсади ва вазифалари соҳа ҳамда фаолиятнинг ички шароитларига мослаштирилади, бу эса тартибга солиш чораларини яхлит бажарилишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда молия секторида тартибга солишнинг янги услубий базаси шаклланиб келмоқда. Салбий тенденцияларнинг олдини олиш уларни ваҳли бартараф этиш ва чеклашдан иборат бўлиб, бу репрессив ва огоҳлантириш характердаги воситалардан фойдаланишга асосланган, шунинг учун бу масала шубҳасиз ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг моҳияти бўйича аниқ ёндашувлар мавжуд эмас, шунинг учун уни тўғри таснифлаш, изоҳлаш ва у қандай усуллар ва элементларни ўз ичига олишини аниқлаштиришни талаб қилади. Бу борада қўйидаги фикларни таҳлил қилиб чиқамиз:

Давлат томонидан тартибга солиш – бозор механизмининг ишлаши учун шарт-шароитларни таъминлаш, давлатнинг белгиланган ривожланиш мақсадларига (шу жумладан иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш) эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва бозор шароитларига давлат томонидан таъсир кўрсатиш чоралари тизимидир [1].

Суғурта фаолиятини тартибга солиш – бу суғурта иши иштирокчилари, хусусан суғурта субъектларининг самарали ишлашини таъминлаш учун фойдаланиладиган усуллар, шакллар ва таъсир этувчи иқтисодий воситалар тизими билан ифодаланадиган маълум бир механизмдир [2].

Россия амалиётида “суғуртани тартибга солиш” атамаси кам ишлатилади, кўпинча қонунчиликда белгиланган – “суғурта назорати” атамаси ишлатилади. Суғуртани тартибга солиш деганда суғурта бозорининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани ва аниқ чора-тадбирлар тизимини яратиш тушинилади. Булар қаторига давлат ваколат берган ташкилотлар томонидан суғурта субъеклари фаолиятини тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек суғурта компаниялари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш киради.

Суғурта назоратининг асосий мазмуни суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишдир. Аслида эса, суғурта назорати суғуртани тартибга солишнинг йўналиши ҳисобланади [3].

Тадқиқотчи Е.Ю.Симакованинг таъкидлашича, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бир неча йўналишларда амалга оширилади: мулкӣ манфаатларни ҳимоя қилишда давлатнинг бивосита иштироки; миллий суғурта бозорининг ҳуқуқий асосларини таъминланиш; давлат суғурта назорати; суғурта бозорида рақобатни кучайтириш ва монопалияга қарши кўрашиш [4].

Масалан Н.Ю.Каменская суғурта бозорини пруденциал тартибга солиш бу суғурта бозорининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлашга, шунингдек суғурта фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялаш орқали суғурталанувчилар (суғурталанган шахслар) манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ва ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилладиган иқтисодий нормалар тизими сифатида таснифлайди [5].

Давлат биринчи навбатда суғурта бозорининг узоқ муддатли суғурта ва мажбурий суғурта сегментларини тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини бажаришга кўпроқ эътибор қаратиши керак, сабаби ҳаётни суғурталаш тармоғи узоқ муддатли суғурта заҳираларини шакллантиради ва мажбурий суғуртада эса суғурта компанияларининг фуқаролар олдида мажбурияти ётади [6].

Ҳар қандай давлатнинг суғурта бозорини шакллантиришда, суғуртанинг замонавий турларни жорий этишда, мижозлар талабига мос суғурта маҳсулотларни яратиш ва сотишда суғурта воситачиларининг роли беқиёсдир. Ҳозирги кунда миллий суғурта бозоридаги суғурта воситачиларининг фаолияти бир қанча муаммоларга дуч келмоқда, жумладан давлат томонидан назорат қилиш ҳаракатлари суст кечмоқда. Бу эса ўз

навбатида суғурта воситачилари институтининг шаклланиши қолаверса суғурта бозорининг ривожланишига салбий таъсир қилмоқда [7].

Таҳлил ва натижалар

Давлат томонидан суғурта фаолиятини назорат қилиш ёки маълум даражада тартибга солиш дунёнинг барча мамлакатларидан амалга оширилади. Мавжуд тартибга солиш моделлари муҳим параметрлари жиҳатидан универсалдир ва шу билан бирга улар миллий назорат қилиш тизимлари бўйича фарқланади. Ўзбекистон Ресбуубликасининг миллий суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни самарали ривожлантириш учун хорижий мамлакатларнинг бу борадаги амалий тажрибалари ва йўналишларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат томонидан тартибга солиш – бу бозор механизмининг ишлаши учун шарт-шароитларни таъминлаш, давлатнинг белгиланган ривожланиш мақсадларига (шу жумладан иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш) эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва бозор шароитларига давлат томонидан таъсир кўрсатиш чоралар тизимидир.

Бундан ташқари, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш методлари сифатида қўйидагилар кўрсатиш мумкин:

- ҳуқуқий методлар – давлат томонидан суғурта шартномаларини тузиш ва бажариш шартларини белгилайдиган, суғурта муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлайдиган фаолият юритиш қоидаларини белгилаш;

- иқтисодий методлар – солиқ нормалари ва бюджет сиёсати орқали суғурта фаолиятини тавлар томонидан рағбатлантириш;

- маъмурий методлар – суғурта қонунчилиги, лицензиялаш, барқарорлик ва тўлов қобилияти талабларига риоя этилишини давлат томонидан назорат қилиш;

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг асосий мақсади истеъмолчилар ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Суғурта фаолиятини тартибга солишда жаҳон иқтисодиётининг барча мамлакатлари учун хос бўлган бешта аниқ мақсадни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) тўлов қобилиятини назорат қилиш;
- 2) маҳсулотларнинг очиклиги ва сифатини таъминлаш;
- 3) бозор барқарорлигини таъминлаш;
- 4) миллий суғурта компанияларини қўллаб-қувватлаш;
- 5) иқтисодий ривожланиш таъминлаш.

Суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини назорат қилиш, тарихан тартибга солишининг илк шакли ҳисобланади ва бунда суғурта фаолиятининг ўзга хос хусусияти – суғуртанинг ижтимоий ҳимоя институти сифатида ижтимоий аҳамиятилиги билан характерланади. Тўлов қобилиятини давлат томонидан назорат қилиш зарурлиги жаҳон иқтисодиётнинг барча мамлакатлари ва минтақаларининг давлат институтлари томонидан тан олинган иқтисодий механизмдир.

Суғуртани амалга оширишда суғурта маҳсулотларининг очиқлигини таъминлаш суғуртанинг бошқа ўзига хос хусусияти – маълумотларнинг асимметрияси билан боғлиқдир. Суғурта компанияси одатда, суғурталанувчиларга нисбатан суғурата рисклари тўғрисида аниқ маълумотларга эга, бунда суғурта маҳсулотлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан назоратни ташкил этиш муҳим саналади. Шунингдек суғурталанувчилар суғуртага берилаётган шахсий рисклари тўғрисида тўлақонли маълумотга эга ҳисобланишади. Шунинг учун умумий ҳолатда тартибга солиш суғурта компаниялари учун ҳам ва суғурталанувчилар учун ҳам тўлақонли очиқликни таъминлайди.

Бозор барқарорлигини таъминлаш. Нархларнинг барқарорлиги кўпинча тартибга солиш мақсади сифатида қаралмайди, аммо нархларнинг кутилмаганда ўсиши истеъмолчилар томонидан салбий муносабатларни келтириб чиқариши шубҳасиздир. Шу сабабли барқарорлик суғурта компаниялари манфаатларига, уларнинг имиджига ва умуман суғурта бозорига бўлган ишончни таъминлаш нуқтаи назаридан муҳимдир. Нархларнинг кескин ўзгариши истеъмолчилар гуруҳи ва сиёсий элиталарнинг фаоллашувига олиб келади, бу эса тартибга солиш жараёнига аралашувни келтириб чиқаради.

Миллий суғурта компанияларини қўллаб-қувватлаш. Давлат аралашувининг қатъий моделларига риоя қилган мамлакатларда ёки суғурта бозори шаклланиш босқичида бўлган давлатларда миллий суғурта компанияларни ҳимоя қилиш учун хорижий суғурта компаниялари учун миллий бозорда фаолият кўрсатишларини тақиқлаш ва солиқ солишнинг агрессив режими қўлланилади. Ривожланган суғурта бозорларида ва эркин тартибга солиш анъаналарига эга давлатларда протекционизм тартибга солишнинг яширин шакллари ўтади.

Иқтисодиётнинг ривожига ҳисса қўйиш. Ҳар бир давлат ўзини-ўзи таъминлайдиган барқарор иқтисодий ўсиш механизмларини жорий этишга интилади. Тартибга солувчи органлар одатда суғурта соҳасидаги тор манфаатлар билан чекланиб қолмай иқтисодиётни рағбатлантирадиган умум иқтисодий (активларни инвестиция қилиш ва айрим инвестиция турлари учун солиқ имтиёзлари бериш ва бошқалар) мақсадларни кўзлайдилар.

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг белгиланган мақсадларига тегишли тартибга солиш воситаларидан фойдаланишни кўзда тутаяди.

Белгиланган мақсадларга қараб тартибга солиш тузилмалари томонидан энг кўп ишлатиладиган воситалар 1-жадвалда умумлаштирилган.

Турли мамлакатлар тартибга солувчи тузилмалар томонидан қўлланиладиган механизмларнинг комбинацияси тартибга солувчи мақсадлар билан белгиланади, улар ўз навбатида тартибга солиш жараёнининг энг фаол иштирокчиларининг умумий сиёсий қарашлари ва давлатнинг молиявий, шу жумладан суғурта бозорига таъсирнинг танланган модели асосида шакллантирилади.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш воситалари

Мақсад	Тартибга солиш воситалари
Суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> • ўз капиталининг минимал даражасига талаб; • фойдани тақсимлаш ва заҳира фондаларини ташкил этиш қоидалари; • компания раҳбариятига қўйиладиган малака талаблари; • суғурта фаолиятларини соҳаларга ажратиш (ҳаёт ва умумий, уларнинг биргаликда олиб боришлари бўйича чекловлар); • техник ва математик резервларни шакллантириш қоидалар; • молиявий ҳисоботга қўйиладиган талаблар; • компаниянинг молиявий ҳолатини баҳолаш учун аудиторлик текширувлари; • қайта суғурталовчилар билан муносабатларни тартибга солиш; • тўлов қобилияти маржаларини белгилаш • тарифларнинг минимал чегараларини белгилаш.
Маҳсулотларнинг очиклиги ва сифатини таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> • тарифларнинг максимал чеграларини белгилаш; • маълумотларни эълон қилиш талабларини белгилаш; • суғурта шартномалари мазмуни ва шаклларини тартибга солиш; • суғурта турларини чеклаш; • реклама фаолиятини тартибга солиш; • давлат субсидиялари; • мажбурий суғурта турларини жорий этиш; • бозор муносабатларини тартибга солиш.
Бозор барқарорлигини таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> • суғурта бозорининг ривожланиши тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва нашр этиш; • суғурта компанияларининг профессионал уюшмаларини ташкил этишни рағбатлантириш; • ўзини-ўзи бошқариш механизмларини ривожлантириш; • миллий кафолат фондларини ташкил этиш.
Миллий суғурта компанияларини қўллаб-қувватлаш	<ul style="list-style-type: none"> • суғурта компаниялари фаолиятини лицензиялаш жараёнлари; • хорижий капиталнинг тизимдаги иштироки; • чет эл капитали иштирокидаги компаниялар учун ишлаш қоидалари; • рақобат сиёсатини тартибга солиш; • сотиш каналларини тартибга солиш (суғурта воситачилари фаолиятини тартибга солиш).
Иқтисодий ривожланишни таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> • солиқ солиш тамойиллари; • суғурта компанияларини ташкил этиш шартлари; • суғурта компанияларининг ижтимоий жараёнларидаги иштирокини рағбатлантириш.

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини маълум даражада таъминлайдиган суғурта соҳаси давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий ривожланишнинг барча даврларида амалга оширилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, суғурта соҳаси иқтисодий тизимнинг барча даражаларида ва ривожланиши давомида тартибга солиниши керак. Бу ваколатли органлар жиддий молиявий қийинчиликлар юзага келганда ва соҳада уларнинг юзага келишини олдини олиш учун махсус чоралар кўришини англатади. Шундай қилиб, суғурта соҳасида тартибга солишни горизонтал, вертикал ёки иерархик

жиҳатларини бирлаштирган матрица усули асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал). Жадвалга асосан кўйидаги тартибга солиш сценарийларини ажратиб кўрсатиш мумкин: инқироздан олдинги давр – «ex ante»; инқироздан кейинги даврда – «ex post»; инқироз пайтида – «defacto»; нормал ривожланиш ёки стандарт шароитларда – «usus».

2-жадвал

Иқтисодиётнинг турли даврларида суғуртани тартибга солиш сценарийларининг матрицаси¹

Даража	Тартибга солиш мақсади	Сценарийлар			
		«usus»	«ex ante»	«defacto»	«ex post»
		Стандарт шартлар	Инқироздан олдинги давр	Инқироз даври	Инқироздан кейинги давр
Халқаро (мега)	Жаҳон суғурта бозорида инқироз тарқалишини олдини олиш	Суғурта назоратининг халқаро стандартлари	Молиявий инвестицияларни бошқариш	Молиявий корпорациялар ҳажмини чеклашлар	Инқироз ходисалар оқибатларини халқаролаштириш
		Solvency II талабларини жорий этиш	Молиявий институтларнинг ликвидлиги ва капиталнинг етарлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар	Халқаро молия институтлари томонидан улар фаолияти устидан қаттиқ назорат	Молиявий институтлар фаолияти устидан назоратни кўчатириш
Республика (макро)	Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш	Пруденциал нормалар ва стандартлар	стресс-тест тадбирларини ўтказиш	Қайта ташкил этиш ёки банкротлик механизмини жорий этиш, лицензияни чақириб олиш	Суғурта захиралари таъминлаш мақсадида активлар сифатига талабларни кўчатириш
		Тўлов қобилияти шартлари	M&A операциялари устидан назоратни кўчатириш	Субординация-лашган кредитлар, субсидиялар бериш	Direct ечимларни қабул қилиш
Тармоқ (мезо)	Суғурта соҳасида турғунликни олдини олиш	Банк ва суғурта компанияларининг интеграцияси	Брокерларнинг жавобгарлигини ошириш	Интеграцион ҳамкорлик дастурларини ишга тушириш	Инфратузилма ва воситачилар институтини ривожлантириш
		Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси	Тариф ва инвестиция фаолиятини назорат қилиш	Қайта суғурта барқарорлаштириш механизми сифатида	Молиявий супермаркетларни яратиш
Суғурта компаниялари (микро)	Суғурта компанияларининг тўлов қобилияти таъминлаш	Оммавий рискларнинг самарали андеррайтинги	риск-менеджмент, банкротликни назорат қилиш	Тўлов қобилиятини тиклаш режаси, ликвидация	Янги сотув каналларини қидириш
		Ички аудит	Даъволарни кўриб чиқиш харажатларини оптималлаштириш	Суғурта даъволари бўйича тўловларни расмийлаштириш	Янги суғурта маҳсулотларни яратиш

Суғурта бозорида юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммоларни эрта аниқлаш учун тегишли кўрсаткичлар ёки стандартлар тизими ишлаб чиқиш

¹ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф тамонидан шакллантирилди.

муҳимдир. Бундай кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва уларни мониторинг қилиш суғурта бозорида пруденциал тартибга солиш ва назоратини ташкил қилишнинг асосини ташкил қилади.

Суғуртага таълуқли адабиётларда пруденциал тартибга солиш ёки назорат қилиш борасида таъриф мавжуд эмас. Пруденциал сўзининг ўзи инглизча prudential - “эҳтиёткор”, “эҳтиёткорона”, “рисklarни камайтириш (рад этиш)” сўзларидан келиб чиққан.

Банк соҳасида пруденциал тартибга солиш концепциясидан келиб чиққан ҳолда, суғурта бозорини пруденциал тартибга солишга қўйидагича таъриф бериш мумкин – бу бозор иқтисодиёти шароитида суғурта субъектларининг операцион фаолиятларига аралашмасдан туриб улар фаолияти рисklarини камайтирадиган, тартибга солиш таъсирини таъминлайдиган чора-тадбирлар мажмуидир. Шунга мувофиқ, пруденциал суғурта назорати – бу суғурта компаниялари ва қайта суғурта компанияларининг суғурта фаолияти жараёнларини, уларни ташкил этилишини, қайта ташкил этилишини ва тугатилишини муайян кўрсаткичлар (индикаторлар) асосида назорат қилишдир.

Пруденциал тартибга солишнинг мақсади – бу давлат, жисмоний ва юридик шахсларга суғурта ҳимоясини тақдим қилиш учун суғурта бозорининг барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш, шунингдек суғурта хизматлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Шу муносабат билан пруденциал тартибга солишнинг вазифалари қўйидагилардан иборатлиги кўришимиз мумкин:

– Давлат ва суғурталанувчилар, шунингдек бошқа манфаатдор томонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– суғурта бозорини ҳимоя қилиш;

– суғурта ҳимояси нархини пасайтиришда суғурта бозорида рақобат муҳитини яратиш, замонавий технологиялар ва хизматларни жорий этиш ва бошқалар;

– умумий суғурта бозори ва ҳар бир суғурта компанияси фаолияти бўйича шаффофликни таъминлаш.

Пруденциал тартибга солиш аниқ бир суғурта компаниясининг банкротлигини олдини олишга қаратилган эмас, балки у тизим манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ва шу маънода макроиқтисодий аҳамиятга эга.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, суғурта фаолиятини пруденциал тартибга солишнинг қўйидаги функцияларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1) *олидини олиш*; суғурта компанияларининг рискли фаолиятини минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар;

2) *ҳимоя*; суғурта компаниялари ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда суғурталанувчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларини кафолатлашга қаратилган чоралар.

Пруденциал тартибга солишнинг олдини олиш функцияси таркиби қўйидаги жиҳатлари орқали очиб берилган:

1) суғурта фаолиятини билан шуғулланмоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг мажбурий рўйхатдан ўтказилиши ва лицензиялаш кўринишидаги чекловларнинг жорий этилиши;

2) суғурта компаниялари капиталининг етарлилиги, ликвидлиги ва тўлов қобилияти билан боғлиқ суғурта фаолиятининг минимал иқтисодий стандартларини шакллантириш, шунингдек фаолиятининг асосий параметрларини белгилайдиган ва шу билан бирга улар фаолиятининг рисклилиқ даражасини камайтирадиган талаблар (демпинг ва ҳ.к);

3) умуман суғурта тизимининг барқарорлиги ва ишончилигини кузатиш мақсадида суғурта компанияларининг белгиланган иқтисодий стандартларга мувофиқлигини назорат қилиш.

Суғурта бозорини пруденциал тартибга солиш суғурта фаолияти субъектларига қўйидагиларни белгилаш билан амалга оширилади:

– суғурта фаолияти билан шуғулланишда мажбурий рўйхатдан ўтиш ва лицензиялашни назарда тутувчи суғурта компаниялари фаолиятини чекловчи қоидалар;

– суғурта компаниялари рискларини чеклашга қаратилган стандартлар (ўз маблағларининг етарлилиги, ликвидлик, активлар таркиби ва бошқалар);

– суғурта компаниялари томонидан ҳисобот тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайдиган нормалар;

– банкротлик, молиявий соғломлаштириш, тугатилиш босқичларини назорат қилиш қоидалари;

– суғурта компанияларининг пруденциал нормларни бузганлик учун ва маълумотларни ошкор этилмаганлиги учун жавобгарлиги.

– Шунингдек қўйидагиларга амал қилиш керак:

– суғурта компанияларининг рисклари бошқариш тизимида қўйилган талабларга;

– суғурта компанияларининг ички назорат тизимида қўйилган талабларга;

– суғурта компаниясининг ахборотларни ошкор қилиш талаблари;

– суғурта хизматларини тақдим этиш қоидаларига (стандартлари).

Шунингдек пруденциал тартибга солиш доирасида қўйидаги талабларни ўрнатиш мумкин:

– суғурта компаниясининг рискларни бошқариш тизимининг мавжудлиги, юзага келадиган ёки мумкин бўлган рискларни доимий аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш ва ҳисобот бериш учун зарур бўлган стратегиялар, жараёнлар ва ҳисобот бериш тартиб қоидаларини ўз ичига олган ички ҳужжатлар, шунингдек ушбу масалалар билан шуғулланадиган бўлинмаларнинг мавжудлиги;

– суғурта компанияларининг ички назорат тизимининг мавжудлиги (ички назоратнинг маъмурий ва бухгалтерия жараёнларини тартибга солувчи ички ҳужжатларнинг мавжудлиги, иски назорат бўлимининг (штат бирлиги) мажбурийлиги ва бошқалар);

– компанияда актуарий шата бирлигининг мавжудлиги;

– суғурта компанияларининг шаффофлиги талабларига мувофиқлиги (хар ойда ўз веб-сайтида пруденциал нормаларнинг бажарилиши тўғрисида, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг барча шакллари назорат тартибида тақдим этилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши);

– суғурта хизматларини кўрсатиш ва суғурта қопламаларини тўлаш қоидаларига риоя қилиш (масалан, эълон қилинган суғурта ходисалари сони, шикоятларнинг фоизи ва бошқалар).

Шундай қилиб, Ўзбекистон суғурта бозорини тартибга солишнинг пруденциал тамойилларига ўтиши аллақачон ҳал қилинган масала. Хорижий пруденциал суғурта назорати амалиётини таҳлил қилиш ва уни тушиниш, шунингдек ушбу амалиётни Ўзбекистон шароитларига мослаштиришни янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилиб қўяди.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жараёни ҳал қилиш керак бўлган муаммоларнинг жиддийлиги ва мураккаблиги билан белгиланади.

Иқтисодий ривожланишнинг даврий табиати ва суғурта фаолиятидаги юқори рисклилик суғурта соҳасини давлат томонидан тартибга солиш тизимини шакллантиришни талаб қилади, бу эса макро ва суғурта компаниялари даражасида юзага келиши мумкин бўлган салбий тенденцияларни минималлаштиришга ёрдам беради, шунингдек суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш таркиби, механизми, мақсадлари ва тартибга солиш воситаларини танлаш билан белгиланади.

Суғурталашни давлат томонидан тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш умуман иқтисодиётнинг, хусусан молия секторининг стратегик ривожланиш мақсадларига мувофиқ бўлиши керак. Суғурта фаолиятини молиявий тартибга солиш тизимини шакллантиришга илмий асосланган ёндашувнинг асоси макро ва микро даражаларни камраб олган пруденциал тартибга солиш механизмига асосланиши керак.

Пруденциал тартибга солишнинг асосий вазифаси тизимли таваккалчиликларни назорат қилиш ва олдини олиш, шунингдек тартибга солиш объекти сифатида эса миллий суғурта бозори ва молия бозорининг тизимли ривожланишининг асосий тенденцияларини белгилайдиган суғурта компаниялари бўлиши керак.

Ўз навбатида, суғурта назорати миллий суғурта бозорининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун молиявий хавфсизлик кўрсаткичларини соҳа назорати тамойилларига асосланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шокин В.О. Глобальная экономика и образцы лучших мировых практик государственного регулирования страхового рынка. Российское предпринимательство /Том 18/ Номер 1 январь 2017. С. 89-109.

2. Андреева Е.В., Русакова О.И. Страховая деятельность и ее

регулирование на современном страховом рынке. Иркутск: Байкальский государственный университет, 2015. 160 с.

3. Огорелкова Н.В. Вопросы пруденциального регулирования и надзора на российском страховом рынке / Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2013. № 2. С. 143–148.

4. Симакова Е.Ю. Особенности государственного регулирования страхового рынка в Российской Федерации // Государственное регулирование экономики в условиях глобализации. Сборник научных статей всероссийской научно-практической конференции. Центр научных и образовательных технологий. 2015. С. 50–60.

5. Каменская Н. Ю. Инновационный подход к развитию регулирования и контроля страхового рынка Российской Федерации : автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М., 2012. – 26 с.

6. Кузовлева Н.Ф. Актуальные вопросы регулирования и контроля в сфере страхования. Экономика, Статистика и Информатика. 2014. №1 С. 82-84.

7. I.Abdurakhmonov, Z.Beknazarav, J.Tursunov. The effectiveness of the organization of activities of insurance intermediaries in the development of insurance networks. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020. Pages 3888-3896.